Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 8 март, шанба • № 20 (10.898) • Эркин нархда сотилади

Аёл — олам чироғи

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар, опа-сингиллар!

Азиз қизларим!

Муборак истиқлолимиз олтинчи баҳори дамларида Сизларни зеболик ва эзгулик, меҳр ва муҳаббат байрами — 8 март муносабати билан чин юракдан табриклайман.

Гўзаллик, меҳрибонлик ва нафосат рамзи бўлмиш аёл зотини шарафламоқ инсониятнинг ўзлигини шарафламоқ демакдир.

Сизлар билан, сизларнинг беқиёс латофатингизу донолигингиз, сабр-тоқат ва заковатингиз билан бу олам чароғон. Сизларга яхшилик қилмоқдан, сизларга иззат-икром кўрсатмоқдан келадиган савоб ниҳоятда буюкдир.

Бугун меҳнатсевар халқимиз ўз келажагининг мустаҳкам пойдеворини қурмоқда. Ана шу масъул жабҳада сизларнинг фидокорона фаолиятингиз, юртимиз истиқболига қатъий ишончу садоқатингиз таҳсинга сазовордир. Биз жонажон диёримизнинг сиёсий ва иқтисодий ривожи, жамиятимизнинг миллий-маънавий камолоти йўлида жонбозлик кўрсатаётган шифокор, муаллима, тадбиркор, муҳандис, олима ва яна қанчадан-қанча касб соҳиблари бўлган аёлларимиз, мушфиқ ва мунис оналаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Инсонпарварлик, ватанпарварлик деган покиза тушунчалар жажжи фарзандларимизнинг мурғак шуурига она сути билан киради. Шунинг учун ҳам тилимизни онадек улуғ ва мўътабар тутиб, она тили деймиз, шунинг учун ҳам киндик қонимиз тўкилган азиз Ўзбекистонимизни Она ватан деймиз.

«Аёл дунё бешигини тебратади», деган қадимий бир ҳикмат бор. Адолат ва маърифатдан дунёга дарс берган, миллат ва ватан шуҳратини дунёга достон қилган соҳибқирон Амир Темур, Абу Али Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби улуғ аждодларимиз ақлу закосининг жаҳоний парвози ҳам оналар меҳрининг, оналар дуоларининг ижобатидир. Ватанга содиқ, ўз сўзида собит, юрт шуҳратига шуҳрат қўшадиган, маънан юксак, нодир салоҳият эгаси бўлган фарзандларни, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш барча аёлларимиз, оналаримизнинг олий ниятидир. Суюкли фарзандларингиз истиқболини, демакки, озод Ўзбекистонимизнинг камолини кўриш сизларга ҳамиша насиб этаверсин.

Мамлакатимизнинг бугунги залворли одимларида саҳоватли хотин-қизларимизнинг ҳиссаси беқиёс. 1997 йилнинг чинакам инсон манфаатлари йили бўлиши учун биргаликда кўрсатаётган саъй-ҳаракатларимиз, иншооллоҳ, ўз самарасини бергай.

Барчангизни гўзал байрамингиз билан яна бир бор қутлайман. Эл-юрт бахтига, осойишта оилангиз бахтига доимо саломат ва саодатли бўлишингизни яратганнинг ўзидан тилаб қоламан.

Иқболингиз баланд, кўнглингиз ҳамиша чароғон бўлсин, дастурхонингиз файзу баракага тўлсин.

ИСЛОМ КАРИМОВ.

ГЎЗАЛЛИККА ДАҲЛДОР ДАМЛАР...

Вилоят хотин-қизларининг Қибрай туманида бўлиб ўтган байрам тантанасидан

АЁЛ.. Айтишларича бу мукаррам зотни яратаётганда Тангри таоло унинг қалбини гулдан, сабрини тошдан, меҳрини қуёшдан бино қилган экан. Эҳтимол, аёлларнинг гулга ва гўзалликка ўчлиги шундандир... Эҳтимол, ҳаётнинг ҳатто филни ҳам йиқитиши мумкин бўлган қийинчиликларини чидам билан енга олиши унинг ана шу метиндек сабридандир...

Аммо ана шундай оғир лаҳзаларда Аёлга бир оғизгина ширин сўз айтиб кўринг-а! Самимий илтифотдан кўнгли ёришган аёлнинг меҳри қуёшдай оловланганининг, яшнаб ва яшариб кетганининг гувоҳи бўласиз. Чунки аёл табиатан меҳр ва муҳаббатнинг, гурур ва садоқатнинг рамзи...

Вилоят хотин-қизларининг Қибрайда бўлиб ўтган «Сизга аталган кун...» номли байрам шодиёнаси ҳам том маънода, дилбар ва жафокаш аёлларимизнинг кўнглини олишга, уларни эъзозлашга, оилада ва жамият ҳаётидаги фаол

(Давоми 2-бетда)

МЕҲРИМИЗ СИЗГА, БОЛАЖОНЛАР!

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ** туманидаги Янгибозор қўрғонининг марказий кутубхонасида «Меҳримиз сизга, болажонлар» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси туман бўлими, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман бўлими биргаликда ўтказдилар.*

Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муборак Мирсалимова, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Дилшод Хидоятов, туман марказий кутубхонаси директори Дилбар Абдукаримовалар тадбирда сўзга чиқишиб, ногирон болажонларнинг кўнгилларини кўтаришиб, уларга сиҳат-саломатлик тилашди.

Йиғилиш сўнггида болаларга Тошкент шаҳар «Адиба-70» хусусий фирмаси ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси туман бўлимининг совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ОТАЛИҚҚА ОЛИШДИ

Ҳусусий тадбиркор Алишер Муртазоев Ўзбекистон Республикаси тинчликсевар ҳалқлари «Тинчлик глобал» ассоциациясини ташкил қилганда кўпчилик ажабланган эди. Бундай баландпарвоз ном берилиши баъзиларга эриш ҳам туюлганди. Ассоциация президенти А.Муртазоев эса буни қуйидагича изоҳлади: «Собиқ ҳарбий бўлганим учунми, тадбиркорлик фаолиятимни кўпроқ хайрияга, эл-элатлараро тинчлик-тотувликка бағишлашга қарор қилдим».

Бу йилдан бошлаб ассоциация ўзининг «Меҳр-шафқат дастури»ни амалга оширишга киришди. Ташкилот яқинда Қибрайдаги вилоят болалар уйига 50 минг сўмлик туҳфа инъом қилди.

Ш.ШОЮСУПОВ.

Наврўз

ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР

Тошкент туманида бўлиб ўтган Наврўз марафонидан 10 миллион сўм пул тушди.

Ҳар йили Наврўз арафасида марафон ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Ўтган йили бу тадбир туфайли салкам 5 миллион сўм пул тўпланган эди. Ана шу маблағ ҳисобига туманда кўпгина хайрли ишлар адо этилди. Муҳтож оилаларнинг турар жойлари таъмирлаб берилди. Узоқ қишлоқларга газ келтирилди. Ичимлик сув таъминоти бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, сув тошқинидан зарар кўрганларга ҳам ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари туманда айрим ободончилик ишларига ҳам шу маблағдан сарфланди.

Марафон ўтказишга бағишланган бу йилги йиғилишда саҳоват кўрсатганларга, эл-юрт иши, манфаати йўлида ўз ҳимматини намойиш қилганларга миннатдорчилик билдирилди.

Шундан сўнг 1997 йилги Наврўз марафони бошланди.

Биринчи бўлиб сўзни Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги раиси Сиддиқ Муҳаммаджонов олди.

— Ўтган йили Наврўз жамғармасига 500 минг сўм пул ўтказган эдик. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бундай тадбирнинг ўтказилиши — халқимизнинг бениҳоя ҳиммати, саҳовати кўригидир. Биз бу йил Наврўз жамғармасига 750 минг сўм пул ўтказмоқчимиз, — деди раис.

Марафон қизигандан қизиб борди. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги маъмурияти 750 минг сўм, Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги 650 минг сўм, ўнгланиш, хўжаликнинг олдинги шуҳратини тиклаш сари дадил одим билан бораётган «Узбекистон» жамоа хўжалиги 500 минг сўм, Абдурахмонов номли жамоа хўжалиги 400 минг сўм, Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги 400 минг сўм пул ўтказадиган бўлишди.

Шундай қилиб, ўша куни Наврўз жамғармасига 10 миллион сўм пул тушадиган бўлди.

— Ҳимматларингиз, саҳоватларингизга минг раҳмат, — деди туман ҳокими Акбарали Йўлчиев марафонга якун ясар экан, — топган-тутганларингизга барака берсин. Бу йил, яхши биласизлар, инсон манфаатлари йили, ҳеч шубҳасиз, сизлар ўтказиб берган пуллар фақат яхшилик учун, халқ манфаатлари учун сарфланади.

Носир ИСАЕВ.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

5 МАРТ куни вилоят ҳокимлигида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти, «Тибтехника» ҳиссадорлик жамияти, вилоят санитария-эпидемиология станцияси раҳбарлари билан журналистларнинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А. Содиқов мазкур тизимда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг ижроси, амалга оширилаётган ислоҳотлар, даволаш муассасаларининг янгича иш услублари, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, вилоят 1996-1998 йиллар мобайнида соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг давлат дастури асосида рўёбга чиқариладиган тадбирлар, шифо масканларининг модий асосини мустаҳкамлаш хусусида ва бошқа мавзуларда гапирди.

Дарҳақиқат, бошқарма бошлиғи таъкидлаганидек, кейинги йиллар ичида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент вилоят ҳокимлигининг бевосита ғамхўрлиги туфайли вилоятда бу соҳага эътибор анча кучайди. Кўплаб шифохоналар таъмирланди, янги даволаш масканлари фойдаланишга топширилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва сифатини ошириш, аҳолини бехуда сарсонгарчиликлардан ҳоли этиш мақсадида қатор туманларда янги қишлоқ врачлик пунктлари очилди. 15 та фельдшер-акушерлик пунктлари қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди.

Бундай масканларнинг истиқболи ёруғ. Инсон манфаатлари йили деб аталган 1997 йилда яна бир қатор туманларда шундай қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилади. Энг олис қишлоқлар ҳам дўхтирли бўлади. Кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилади. Даволашнинг кундузги турғун усули тобора кенгайиб боради. Ҳусусийлаштирилган шифо масканлари тармоғи кенгаяди, якка тартибда тиббий хизмат кўрсатиш шаклига ҳам имкониятлар очилади.

Бу вазифаларни амалга оширишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти, вилоят СЭСи ва «Тибтехника» ҳамкорликда ишлашни давом эттирадилар. Бу эса турли касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини назоратдан ўтказиш, даволаш муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминлашда катта қулайлик яратади.

Матбуот конференцияси жараёнида эришилган натижалар билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳақида ҳам гап борди.

Мулоқот мобайнида тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари берилган саволларга жавоб қайтардилар.

Саид ВАЛИЕВ.

ФЕРМЕРНИНГ МАКАРОН ЦЕХИ

***БАЙТҚЎРҒОНЛИК** деҳқон-фермер Қурбон ота Ҳожиев ўз ҳамкишлоқларини макарон билан таъминлай бошлади. У ўтган йили деҳқончиликдан 1 миллион 200 минг сўмдан ортиқ даромад олган эди. Даромадининг бир қисмига кичик макарон цехи сотиб олди. Ҳозир цехда кунига 400—500 килограмм турли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

Ота бу йил тегирмон сотиб олиб, уни ҳам ишга тушириш ниятида.

«Эрта эккан эрта олар» нақлига амал қилган фермер Қибрай туманида биринчилардан бўлиб 3 гектар ерга картошка, 1 гектар ерга пиёз, 1 гектар ерга сабзи ва ярим гектар ерга ош лавлаги экиб бўлди.

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.

МУНОСАБАТ

ПАЙНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Яқинда таҳририятга бир танишимиз кириб келди. У бирор корхонанинг акциясини сотиб олмоқчиман шу масалада ёрдам берсангиз, деб қолди. Очиғи унинг бу гапидан ҳурсанд бўлдик. Сабаби, фуқароларимиз мулкдорлик ҳиссини англаб бормоқдалар. Бозор муносабатларининг қонуниятларини тушуниб етмоқдалар.

Шу йил 26 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишлари муҳокама этилди. Республика Президенти 1996 йилда эришилган натижаларни таъкидлар экан, ҳали олдимизда янада катта вазифалар турганлигини, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтди.

Ҳусусан, корхоналарни акциялаштириш жараёни суст бораётганлиги қимматбаҳо қоғозлар бозори яхши ривожланмаганлиги, қоғозда мулк шаклини ўзгартирган корхоналар фаолиятида амалий ўзгаришлар сезилмаётганлиги, одамларда мулкдорлик туйғуси ҳали тўла қарор топмаётганлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бозорнинг ўз қонуниятлари бор. Унга бўйсинмаслик, ана шу қонуниятлар асосида ҳаракат қилмаслик асло мумкин эмас. Бунга мисоллар кўп. Корхоналарда ишлаб чиқариш бўғинларини шу асосда қайта қуриш, уни ҳақиқий эгаларига топшириш ҳам ана шу қонуниятларнинг ажралмас бир қисмидир.

Тўғри, республикамизда бу жараён жадал боряпти. Биргина Тошкент вилоятида 1996 йилнинг ўзида 104 корхона очиқ турдаги акционерлик жамиятларига, 44 таси шахсий мулк кўринишидаги корхонага, 31 таси бошқа мулк шаклига айлантирилди. Умуман, ислоҳотлар бошлангандан буён вилоятдаги 8308 та корхона ва ташкилотдан 7120 таси яъни 85,7 фоизи мулк шаклини ўзгартирди. Лўндароқ қилиб айтганда, нодавлат секторига ўтди.

Улар бирин-кетин ўзларининг қимматли қоғозларини чиқармоқдалар. Ўтган йили вилоятда 382,4 миллион сўмлик қимматли қоғозлар сотилди. Бу — акционерлик жамиятларининг 840 мингта қимматли қоғози ўз эгаларини топди, деган гап.

Дарҳақиқат, мана шунинг ўзиёқ республикамизда ислоҳотлар жараёнининг тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Бугун вилоятимиздаги ҳар учинчи ишловчи қайсидир ҳиссадорлик жамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди, ўз мавлаги ҳисобига қўшимча фойда ола бошлади. Вилоят ҳусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутахассисларининг маълумотларига кўра, 1997 йилда бу жараённи янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди. Дастурнинг кўлами кенг. Унда бир қатор саноат, деҳқончилик, қурилиш, транспорт, алоқа ва ижтимоий соҳадалардаги бинолари ҳусусийлаштириш, қурилиши тугалланмаган 40 та объектни кимошди ва биржа савдолари орқали сотиш, ер участкалари савдосини уюштириш, мингдан ортиқ кичик ва ҳусусий корхоналар ташкил этиш, 244 миллион сўмликдан ортиқ акциялар чиқариш, «Корхона — маҳалла» таомили асосида Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Пискент, Чиноз туманларида 7 та иқтисодий минтақа ташкил қилиш, шу ҳисобдан 10 мингдан ошиқ янги иш жойлари очиш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат мулк қўмитаси, бизнес-фонд, банк ва бошқа муассасаларнинг кредитларини ажратиш, шунингдек чет эл сармояларини жалб этиш, аудитор ва консалтинг фирмаларини ташкил қилиш сингари режалар ўрин олган. Бу борадаги дастлабки ишлар бошланди, натижаларга эришилди.

Айни вақтда мутахассислар, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида тўғри таъкидланганидек, яъни бу борадаги ишлар ҳали тўлиқ ўз ривожини топа олмаётганлигини ҳам-очиқ айтишди. Биз бир қатор ҳиссадорлик жамиятларининг раҳбарлари, акциядорлар, шу соҳага тааллуқли олимлар, мутахассислар билан мулоқотда бўлдик.

Бу шуни кўрсатдики, биз бу борадаги ишларни янада жадал ривожлантириш учун қатор муаммоларни ечишимиз керак.

Биринчидан, бирон корхона ёки ташкилотнинг акциясини сотиб олган киши унинг ишлаб чиқариш фаолиятида тўлиқ қатнашиши зарур. Бунинг учун ана шу корхона ёки ташкилот ўз акциядорларига иқтисодий маълумотларни маълум қилиб бориши лозим. Афсуски, ҳозирги кунда аксарият ҳиссадорлик жамиятларида бундай ҳолни кўрмаяпмиз.

Иккинчидан, бу борада ишлаб чиқилган ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар яхши ишламаяпти. Бу кишиларимизга ҳуқуқий билим, бозор иқтисодиёти асосларини кенгроқ тушунтиришни талаб қилади. Бизнингча, ҳар бир ҳиссадорлик жамияти ўз мулкдорларини шу тарика тарбиялаб бориши зарур.

Учинчидан, фуқаролар ҳиссадорлик жамиятларининг қимматбаҳо қоғозини сотиб олган эканлар, шунга яраша даромадини, яъни дивидендини олишлари керак. Очиғини айтганда, бугунги кунда аксарият корхона, ташкилотлар бунинг уддасидан чиқаолмаяпти. Бу кишиларда ишончни йўқотмоқда.

Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш тўғрисида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрадиган пайт келди. Республикамизда улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Лекин, уларнинг аксарияти фақатгина бугунни ўйлаб ҳаракат қилмоқдалар. Ваҳоланки, ҳақиқий бизнесмен эртани, индинни — узоқ муддатни ўйлаб ҳаракат қилиши зарур. Ана шундагина истеъмол бозоримизни сифатли ва замонавий маҳсулотлар билан тўлдириш, жаҳон бозорига чиқиш мумкин бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида ислоҳотлар изчил ва тўхтовсиз жараён эканлиги қайд этилди. Бу ҳақ гап. Мамлакатимизда барча соҳадаги ислоҳотлар босқичма-босқич давом этаётган экан бу ҳусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга ҳам тўла тааллуқлидир. Лекин, ҳамма гап ана шу жараённи бугуннинг талаби даражасида ташкил этишга, онгли мулкдорлар синфини шакллантиришга боғлиқ. Фақат, шу йўл билангина мамлакатимизда ҳақиқий мулк эгаларини, бозор соҳибларини вояга етказишимиз мумкин бўлади.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

ГЎЗАЛЛИККА ФАҲЛДОР ФАМЛАР...

(Давоми. Боши 1-бетда)

иштирокини тақдирлашга бағишланди. Байрамга таклиф этилганларнинг юзларида қувонч, кўнгилларида фахр ва ифтихор туйғуси...

— 8 март гўзаллик ва фидойиликка даҳлдор байрамдир. Республикамизнинг, шу жумладан, вилоятимизнинг барча хотин-қизлари бу кунни катта шоду-хуррамлик билан нишонлашга, ўз оилалари, дугоналари, ҳамкасблари даврасида яйраб-яшнашга ҳақлидирлар, — деди байрамни очган вилоят ҳокими Эркин Рўзиев. — Зотан, улар Ўзбекистонимизнинг истиқлол ва истиқболини мустаҳкамлашга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг боришига, ватанимиз куч-қудратини оширишга, порлоқ келажагимиз ҳисобланган болаларимиз тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бизнинг вилоятимизда яқин ўтмишда ҳам Турсуной Охунова, Меҳринисо Убайдуллаева, Анастасия Чудная, Мария Ковалёва, Адолат Рўзматова сингари чинакам фидокор аёллар фаолият кўрсатганлар. Улар яратган яхши анъаналар бугун ҳам давом этмоқда.

— Далаларда, корхоналарда, фермаларда, мактаб ва шифохоналарда, тарбия муассасаларида, хотин-қизлар қўмиталарида, маҳаллаларда етакчилик қилаётган тадбиркор, ишбилармон, оқила аёлларимиз билан ҳар қанча ғурурланса арзийди, — деди у табрик сўзини давом эттириб. — Шунинг учун ҳам Сизлар ҳақингизда ғамхўрлик қилиш, Сизларни авайлаб-асраш, мушкулингизни осон қилиш бизларнинг зиммамиздадир. Бу масъулиятли вазифаларни биз муқаддас ҳайру-амал, деб биламиз!

Шу куни табриклар табрикларга, қўшиқлар куй ва рақсларга, шеърларга уланди. Истеъдодли санъаткор Раҳматжон Қурбонов, эстрада хонандаси Маъмура Қурбонова, таникли сўз устаси Обид Асомов, «Ҳамза» театри актёри Фатҳулла Мансуров, ички ишлар вазирлиги ва вилоят маданият ишлари бошқармаси қошида фаолият кўрсатаётган дасталар гуруҳи, вилоят шаҳар ва туманларида ташкил этилган корейс, татар миллий рақс гуруҳлари меҳмонлар хизматида бўлдилар.

Табрик учун сўз олган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева меҳнатда ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатганлиги учун вилоятимиздан бир гуруҳ аёллар республика хотин-қизлар қўмитасининг фахрий Ёрлиқлари билан, яна бир гуруҳ хотин-қизлар вилоят ҳокимининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланганини маълум қилди ва мукофотларни эгаларига топширди.

Шунингдек, жойларда оила мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбияси, хотин-қизлар қўмиталари ишини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган ўнлаб аёллар вилоят хотин-қизлар қўмитасининг Фахрий Ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Биз аёлларни шунчалик эъзозлаб, мана бундай ажойиб кечаларни уюштирган ташкилотчиларга минг ташаккур, — деди меҳмонлар номидан сўзга чиққан Меҳри ая Убайдуллаева. — Аёлларни авайлаган, уларнинг кўнглини ола билган жамиятда ўсишулғайиш бўлаверади. Чунки аёл — дунёнинг бешиги, келажак давомчиларини яратувчи улуғ зот. Бугунги илиқ сўзлардан, эътибор ва эъзоздан кўнглимиз тоғдай кўтарилди.

Худо хоҳласа, бизлар мустақил республикамизнинг равнақига бундан кейин ҳам бор ғайрат-шижоатимиз, билим ва тажрибамиз билан ҳисса қўшаверамиз.

...Ҳа, тўкин дастурхон атрофида кечгача давом этган «Сизга аталган кун...» номли бу тадбир чиндан ҳам аёлларнинг ёдида сақланиб қоладиган энг чиройли кун бўлди...

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *байрам тантанасидан лавҳалар. Даврон АҲМАД тасвирга туширган.*

ТОТУВ ТУРМУШ = УЗОҚ УМР

ЭР камондастаси-ю, хотин — унинг ипи. Ип дастани эгиб турса-да, ўзи унга бўйсунади, ундан ажралмайди.

Г. ЛОНГФЕЛЛО.

ҚОБИЛ куёв ўғил бўлур, ноқобил қизингдан ҳам ажратур.

ДЕМОКРИТ.

ЭР-ХОТИН икки торки, уларсиз инсон зотининг қалб куйлари тўлиқ жаранглай олмайди.

Ж. МАДЗИНИ, италиялик олим.

БАХТЛИ оила — инсоннинг энг бебаҳо хазинасидир.

Ф. ВОЛЬТЕР, Француз ёзувчиси.

♦ Дил ороми — яхши бўлса гар хотин,
Ёмон бўлса ундан худо сақласин.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

♦ Аёл оқилаю, эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод хонадон.

Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

Тўпловчи: Акбар АЛИЕВ.

«ВАҚТ ЕТСА ШУ ХАЛҚДА ҚОЛАР ДАФТАРИМ...»

Зулфиянинг «Хотирам синиқлари» номли публицистик достонига чизгилар

***ХАЛҚИМИЗНИНГ** хассос шоираси, тинчлик ва дўстлик қўйчиси, истеъдодли публицист, зукко муҳаррир Зулфия номи халқимиз юрагига нақадар яқин ва эъзозли эди.*

Мен ҳар гал бу беназир инсон номини тилга олганимда вужудимда гўё булоқлар кўз очгандай бўлади: улуғворлик ва садоқат билан тўқнашаман. Инсон зотига ато этилган барча гўзаллик — ҳам ички, ҳам ташқи сурат ва сийратнинг мутаносиблиги, тилдаги кўркамлик, табиийлик, тиниқлик мени ҳар гал ҳайратга солади.

Ҳуррият, келдингми — наҳотки келдинг...
Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим.
Ёмғирга бағрини тутган саҳродай —
Сенинг насимингга қалбимни тутдим.

Мана, қалб-бахту дард тўла денгизим,
Мавжлари шуҳратим, ҳижрон — ўкинчим.
Кўркув калҳатлари тегиб синдирган —
Едим синиқлари остда — чўкинди.

Ушбу мисралар халқ шоираси Зулфия қаламига мансуб «Хотирам синиқлари» номли достондан парча. «Хотирам синиқлари»...70 йиллик фожеанинг ибтидо ва интиҳолари шоира юрагининг, қалбининг армонларию, андуҳлари, умр сарҳадлари, сарҳисоблари ниҳоятда ўткамлик билан қалбларни ўртагувчи, инсоннинг 72 томирини ларзага солувчи ёниқ мисраларда бош кўтаради.

Едим синиқлари, қалқ овоз берай,
Қалқиди, юрагим, чида, бер бардош.
Қарагин титроқда — ҳаммаси жонли,
Қара, ҳаммасининг юзи қон-талаш...

Дунёда дардни ичга ютиб яшамоқдан ортиқ фожеа йўқ.

Ҳуррият туфайлигина шоира ҳаётини эзиб ётган хотира чўкиндилари «Хотирам синиқлари» орқали юкорига қалқди.

Зулфия опа она ҳақида, оналаримиз ҳақидаги «Аланга» номли насрий публицистик асарларини битганларида 60 ёшда эдилар. Лекин «Хотирам синиқлари»даги она, она олдидаги қиёматли қарз Зулфия вужудида бутун умр яшади. Шу боис Зулфия она тимсолини жонлантирар экан, уста мусаввир каби мўйқаламнинг нозик жилваларини сатрга кўчиради.

Бу онам — тангрининг бахтли онида
Айри ихлос билан яратгани чин.
Қароғида меҳр шамлари ёниқ —
Гуллаган ўрикдай ораста отин.

Кун тойиб, шуълалар кўчган уфққа,
Сайроқи қушларнинг тинганда базми,
Онам дилимизни чорлаб қўшиққа
Ним-ним сочар эди мумтозлар назмин.

Табиатан меҳрли, покиза, гўзал иффатли ўзбек аёли, ўзбек аёлларининг тимсоли бўлган Зулфиянинг онаси ўз болаларини йўргакдаёқ эзгулик сари етаклагани, дунёча меҳрни уларнинг пок кўнгилларига сола олгани аниқ.

Қизчанинг ўз янгасига «эш бўлиб» ёрқин орзулар оғушида палак тикиши.

Қоғоздан сир тутган сатримни тепчиб,
Гулларди палакда ширин тилагим —
Кўзимдан ёшликнинг нурларин ичиб...

Мисралар сатрма-сатр қуйилиб, бир-бирини тўлдириб, шеърий лашкар тортиб ўқувчи қалбини забт этиб сехрлаб олади ва бир фурсат машъум 30-чи йилларга етаклайди.

Ва ҳадемай сездик бу қаҳратонни,
Тиғдай тилларида ялай бошлади.
Қадами етганда ҳар хонадоннинг
Қувончи бужмайиб, сўлий бошлади...

30—йилларнинг бошида ва иккинчи ярмидаги қатағон ҳарликлари қанчадан-қанча миллат сарварлари, жасур, алпқомат йигитларни ўз комига тортмади. Айни шу йиллар қанчадан-қанча хонадонлар мудҳиш ички азоб исканжасида қолдилар, руҳан майиб-мажруҳ бўлдилар. Даҳшат андуҳлари инсоннинг кўз ёшларини ҳам қуритиб қўяр экан.

...Сабр, қаноатдан яралган элим,
Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ излар-ку!

Демак, сабр-қаноат халқимизга хос хислат. Лекин, Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида норғул ўғиллар қушдай қирилганларида ҳам «Сен эса яшадинг мисоли тушда, Тўртиниб гоффоллик туманларида». — деб халққа мурожаат қилади, шоира.

Менми? Мен шу қадар ёш эдим ҳали,
Ёшлик — ғам — бегона бири-бирига.
Қутилмоқчун андуҳ ботқоқларидан
Осилдим муҳаббат шодликларига.

Менми? Мен ишқ отлиқ бир жаҳон аро
Шеър тинглаб, шеър тизиб шеърларда қолдим...
Беҳиштий жаранглар — жонимга оро —
Ўримнинг бахтимда ўзим йўқолдим.

Бахт қасримга кириб мени топди дард,
Уруш! Ёзда ёққан қор каби ўлим.
Уттизга етмаёқ сочим қор ялаб,
Кўз ёшим сойига тўкилди гулим.

Шоиранинг беадад ҳижрон азобларига қарши исён кўтаришга, тўйиб-тўйиб йиғлашга қўймадилар, балки дардини ичга ютишга, «порлоқ ҳаётни» қўйлашга мажбур қилишди.

Дард инсон иродасини яна ҳам бардошлироқ бўлишига замин туғдирар экан. Садоқат ва бардошнинг метин иродаси билан қоришган Зулфия қаддини адл тутди.

«Мен тирик ҳисларим бир жойга йиғдим,
Ва кучли яшашга айладим қарор».

Зулфия «юртни бўрон бўлиб» кезгани ҳолда, «фақат эл-юртни сукутда» кўргани, тушларида «топиб акам жасадин, отамнинг ёнига қазитдим қабр» деб сабр сақлагани ҳолда, диллари вайрон кетган ота-онасининг руҳига тасалли беради.

Тақдир, тақдир дедим, яшадим узоқ,
Тақдир пешонага ёзиқ дейишди.
Ёзиқни деворга урдим-у, бироқ
Мен синдим, қонимдан ғиштлари пишди.

Ишонган тузум ва у илгари сурган ғоялар инсонийликка зид эканлигини сезган, бир нафас карахтликда қолган ижодкорнинг қалб тубида ётган хотира синиқлари истиқлол туфайли пўртана янглиғ отилади.

Алам. Ёмон алам кўзинг кўр бўлса,
Лекин сўқир диллик ундан-да дахшат,
Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат.

Ниҳоят даражада тобига етган ички туғён, ички дард вулқондек портлаб, мисралар узра олов ёуркайди. Шоиранинг ички руҳияти ўзи билан ўзи курашади. Бу курашнинг, бу портлашнинг, бу юксалишнинг бошида Зулфиянинг имони бутунлиги «мана мен» деб турибди.

Ёшим кетиб-кетиб, тордай тарангман,
Капалак шарпаси тегса, узилар.
Чидай-чидай юпқа тортган парангман,
Чўян бўлса ҳам дил — қулфи бузилар.

Зулфия опа билан бўлган суҳбатларда, кўпинча, отам ва онам мени «Чайр арқонлардан тўқишган чоғи» деган сўзларини бот-бот эшитиб қолардим. Буни опамиз бекорга айтмас эканлар...

«Айтилмаган алам, ёзилмаган шеър,
Олинмаган қасос — юрак титроғим».

Ҳа, бу ситамларни кўтаришга, ичга ютишга ҳақиқатдан ҳам тоғдек метин бардош керак эканки, бу аламларни унча-мунча инсон зоти кўтара олмаслиги равшан. Яна шуни айтиш керакки, Зулфия опа кўплар қатори ҳуррият келгунча уни пинҳона соғиниб, пинҳона кутдилар.

Бошим портловчи дуд тўлдирилган хум.
Портлашин кутардим сония сари,
Сабрлар тўкилди, нақ кафтдаги қум —
Юзим руҳларида қонли излари...

Мен адабиётшунос эмасман. Мен бир китобхон, Зулфия опанинг бир мухлиси сифатида «Хотирам синиқлари»га ўз муносабатимни билдирдим. Тўғрисини айтганда, бу янги достоннинг бунёдга келиши ўзбек халқи ҳаётида, ўзбек шеъриятида янгилик. Қуйидаги мисраларга эса ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ. Мана, Зулфия бор овози, вужуди, қалби, имони, муҳаббати билан ҳуррият олқишламоқда:

Ҳуррият, келдингей, наҳотки келдинг.
Келар йўлларингда пинҳона толдим.
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,
Элим тақдирида абадий қолдинг...

Келдингей, Истиқлол, истиқбол бўлиб
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб,
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...

Ҳуррият, келдингей, эл-омон келдинг,
Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар.
Вақт етса шу халқда қолар дафтарим,
Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим...
Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар...

Мархамат АЛИМОВА,
ТошДУ доценти.

ДУНЁ МЕҲРДАН ОБОД...

Бир оғиз калом

ҲАР ГАЛ қишлоқларни айланганимда, турли ёшдаги онахонлар ва қизжувонлар билан суҳбатлашганимда, кўнглимдан бир ўй кечаверади: «Бу қишлоқ аёлларининг қалби дунёдаги энг нозик гулдан ҳам нозикроғ-у, бардошлари энг қаттиқ тошдан ҳам чидамлироқдир...» Бу — бор гап! Туманларда, айниқса, чеккароқ қишлоқларда илмга, меҳнатга чанқоқ, аммо, турмуш икир-чикирларидан ортолмай, фаол ҳаётдан узилиб қолаётган аёлларимиз оз эмас. Кўплари уззу-кун далада ишлайдилар-у, топганлари чойчақадан ортмайди... Хўш, уларга қандай ёрдам беришимиз мумкин, нима қилсак қишлоқларга тезроқ илғор технологияни олиб кирамиз? Тўғриси, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида мана шу нарсалар кўпдан бери менинг ҳаёлимни банд қилиб қўйган.

Аёлларимизнинг саломатлигини тиклаш, оилавий муаммоларни бартараф этиш, ҳунармандчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир талай ишларни амалга ошираяпмиз ҳам. Аммо, булар ҳали жуда оз. Назаримда, ўйланган барча режаларнинг амалга ошиши учун, аввало, жойлардаги «кичкина бўлсаям раҳбарман» деб юрган айрим кишиларнинг ҳаёлини «хотин-қизлар билан ишлаш хотин-қизлар қўмиталарининг иши» деган фикрдан ҳалос этишга тўғри келади. Чунки, аёл дарди — олам дарди, аёл бахти — жамиятнинг бахти, унинг саломатлиги — соғлом келажак демакдир. Шундай бўлгач, у ҳақда ҳаммамиз биргаликда ўйлашимиз керак.

Эҳтимол, бугунги байрам арафасида бу гапларни айтиш ножоизроқдир. Аммо, байрам муносабати билан аёлларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эъзозни кўриб, дилимдаги фикрни очиқ айтишга журъат этдим. Чунки, мен аёлларимизга нисбатан бундай илиқлик ва эътибор ҳамиша, ҳар куни бўлишини истардим. Фақат 8-мартда эмас... Зеро, аёл ишончга, суянчга, меҳр-муҳаббатга, садоқату-вафога ҳамиша ташнадир!..

Бахтихон МАДАМИНОВА,
Оҳангарон тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими муовини.

Сизларга аталгандир ушбу сатрлар

ОНАЖОН

Сочингизнинг толасида дунё сочи оқармиш,
Жонингизни жаранглатиб вафо чақмоқ чақармиш,
Аллангизнинг оромлари ойга ҳам хуш ёқармиш,
Дарёдилим десам дарё ҳижолатдир, онажон,
Пойингизга тиз чўкмоқлик саодатдир, онажон!

Юрагимга ўчмас чўғни ташлаб турган қуёшим,
Қаро тунда шамчироғим, ойдан ёруғ йўлдошим,
Тош кўнглимни тоширган ул, кўзимга қалққан ёшим,
Дуолардан дил боғига гул қадаган, онажон,
Жойнамознинг жамолига нур қадаган, онажон!

Тандирда тўлғонган ўт, қалбингиз каломими,
Қўлингизда кулган нонлар яратган саломими,
Набирангиз наволари умрингиз давомими,
Хонадоним Хумосисиз, Каъбам, Маккам, онажон,
Рўзғоримни рўшно қилган оқил ҳакам, онажон!

Фарзандлик фароғатин тахтида ўлтирибман,
Оналари ёмонларнинг бахтидан бек юрибман,
Шукрим шалола Маҳмуд, қошингизда турибман,
Оятларим омонликдир бу дунёга, онажон,
Тангри ўзи ёр бўлгайдир хуш дуога, онажон!

Маҳмуд ТОИРОВ.

АЁЛ БЎЛМАСА

Юраклар юракка бўлурми пайванд,
Қайдан бино бўлар энг азиз фарзанд,
Кимни суюб, кимдан бўлурлар хурсанд,
Аёл бўлмаса.

Икки бўлармиди эркакнинг бири,
Тоза бўлармиди эгнининг кири,
Нимага арзирди қалбининг сири,
Аёл бўлмаса.

Сеҳрини йўқотиб қўйгандир сўзлар,
Жозиба нелигини унутгай кўзлар,
Кўнгил-нолон қушдир, сайрамас, бўзлар,
Аёл бўлмаса.

Топилмай қолади гулнинг қиёси,
Неларга менгзайди ойнинг зиёси,
Кимга ҳам керакдир кўҳна дунёси,
Аёл бўлмаса!..

Маъмур БОЗОРАЛИЕВ.

ҚИЗЛАРДАН

Дунёнинг гўзаллиги, улуғлиги қизлардан,
Ҳаётнинг ширинлиги, гулгунлиги қизлардан.

Сўзамол йигитнинг гоҳ «соқов» бўлиб
қолиши,
Камгап йигитнинг эса булбуллиги
қизлардан.

Муҳаббат қуш эмасдир, кўчмагай
шохдан-шохга,
Юракда мангулиги, турғунлиги қизлардан.

Парвариш, меҳрга зор доимо кўнгил боғи,
Бу боғнинг тўлин ойдай тўлғинлиги
қизлардан.

Шеър битмоқни ихтиёр айласа агар Туроб,
Олар илҳом, эҳтирос, тўлқинларни
қизлардан.

Туроб НИЁЗ.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

◆ ЎЗБЕКИСТОН пойтахтида инсон ҳуқуқлари миллий маркази тантанали равишда очилди.

◆ ТОШКЕНТДА Словакиянинг «Яс» (собиқ «Цебо» фирмаси) ҳиссадорлик жамиятнинг ваколатхонаси иш бошлади.

◆ ОЛМОНИЯНИНГ энг йирик концернларидан бири бўлган «Крупп Хеш-Шталь» билан «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти ўртасида «Ангрен» кўмир конини тўлиқ янгилашга дахлдор ҳужжатлар имзоланди. Замонавий машина-ускуналар ўрнатилгач, 2002 йилга бориб, кўмир қазиб олишни йилига 5 миллион тоннага етказиш мўлжалланди.

◆ ПОЙТАХТИМИЗДА Туркиянинг «Ай-Сел» компанияси томонидан қисқа муддат ичида қуриб битказилган «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхонаси расмий равишда очилди. Маросимда сўзга чиққан хорижликлар мазкур меҳмонхонанинг фаолият кўрсата бошлаши Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга тез ва ишонч билан кириб бораётганидан дарак беради, деб таъкидладилар.

Воқеалар тўлқинида

◆ НАТО Бош котиби Хавьер Солана Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб сафарга отланмоқда. Унинг Россиядан сўнг Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳам бўлиши кутилмоқда.

◆ РОССИЯ ва Белорус Президентлари ҳар икки мамлакатда ўзаро бирлашиш масаласига бағишланган умуммиллий референдумни маълум бир кунда ўтказиш борасида аҳдлашиб олдилар.

◆ ҚОЗОҒИСТОН Президенти Н. Назарбоев куни кеча давлат маҳкамаларининг қоқ ярмига қисқаражаклигини айтди. Эндиликда 48 та ўрнига 24 та вазирлик ва қўмиталар фаолият кўрсатади. Шунингдек, ҳукумат амалдорлари сонини қисқартириш ҳам мўлжалланмоқда.

◆ 1947 йил 31 декабрда тахтдан ва фуқароликдан мосуво этилган Руминия қироли Михай 1948 йил 3 январда мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган эди. 75 ёшли собиқ қирол шу ҳафтада яна ўз ватанига ташриф буюрди. Бу сафар у катта тантаналар билан кутиб олинди. Янги ҳукумат уни фуқароликда тиклади, янги паспорт топширилди. Айрим шарҳчилар бундай муносабат Михайнинг Руминияга қирол сифатида қайтишига йўл очади, деб ҳисобламоқдалар.

◆ МАМЛАКАТНИНГ ғарбий ҳудудларидан марказ томон ҳужумни кучайтириб келаётган Заир исёнчилари ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган Лубуту шаҳрини ҳамда унга яқин жойлашган қоҷоқлар қўналғагоҳи — Тинги-Тингини босиб олганликларини эълон қилдилар.

ДАҲАНАКИ ЖАНГ... АҲВОЛ ЭСА ТАНГ

ЖАҲОН оммавий ахборот воситалари шарҳчилари Россия Федерацияси Президенти Б. Ельциннинг юраги операция қилиниб, ўзига кела бошлагач, мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол бир қадар изга тушса керак, деб тахмин қилган эдилар. Йўқ, вазият, кўринишдан, кун сайин ёмонлашиб бормоқда. Бунга олий маҳкамалардаги тўраларнинг даҳанаки жанглари маълум даражада туртки бўлмоқда. Бундай тортишувларни, энг аввало, давлат думасидаги Илюхин, Зюганов, Юшенков, Рохлин, Жириновский каби айрим депутатлар бошлаб берган эдилар. Уларнинг асосий талаби — Президент бетоблиги туфайли лозим даражада ишлай олмаяпти, шу боис, у ўз хоҳиши билан истеъфога чиқиши керак, деган гаплар бўлди. Охири маш-машалар Президентнинг соғлиғи ҳақида ваколатли тиббий маҳкамалар ишончли маълумотнома берсин, деган даъвога бориб тақалди. Бундай маълумотноманинг 6 мартгача келиши кутилаётган эди. Бироқ, ундан ҳозиргача дом-дарак йўқ.

Ўтган ҳафта бошида Президент Б. Н. Ельцин бош вазир В. С. Черномирдин билан учрашиб, тўсатдан ҳукумат фаолиятидан норози эканлигини баён этди. Ростда, мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятта бевосита ҳукумат жавоб беради. Лекин, чиндан ҳам турли минтақалардаги кундалик турмуш соат сайин ёмонлашиб бормоқда. Одамлар ойлаб маош олмаётирлар, қашшоқлик тобора кучайиб бормоқда. Ишсизлар, уйсизлар, жиноятлар сони кундан-кун ошмоқда. Жойлардаги иш ташлашларнинг, очлик эълон қилишларнинг охири кўринмаяпти. Ўқитувчилар, тиббиётчилар, кўмир кони қазувчилари, олимлар, нафақадорларнинг ва бошқа табақадаги одамларнинг ҳаёти тобора оғирлашмоқда. Қарзларни узиш борасида ҳукумат берган ваъдалар адо этилмаяпти...

Шу маънода Президентнинг норозилиги табиий эди. Бунга жавобан бош вазир ҳукумат таркиби қайта кўриб чиқилади, деб айтди. Унинг гапларига қараганда, бу сафарги ўзгаришлар «пардозлаш» қабилида» бўлмайди. Яқин кунлар ичида ҳамма нарса ойдинлашса, ажаб эмас.

Шу орада яна бир тўпалон кўтарилди. Россия мудофаа вазири И. Родионов шов-шувларга сабаб бўлган баёнот билан чиқди. Унинг фикрича, Россия мудофаа кенгаши котиби Ю. Батурин халқни ҳам, Президентни ҳам алдаб келмоқда. Аҳвол, Ю. Батурин айтганидек, яхши эмас. Аслида армия «гадой» бўлиб қолди. Армияда ислоҳотлар муваффақиятли бормоқда, дейилган гаплар ғирт ёлғондан бошқа нарса эмас. Алдовлар соясида армия жанговарликни йўқотмоқда. Иш шу алфозда кетса, икки-уч йилдан сўнг хавфсизлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мудофаа вазирининг бундай гаплари ўзига қарши акс садо берди. Айримлар энди И. Родионов истеъфога чиқариб юборилади, деб кутмоқдалар. Балким, бунга март ўрталарида ўтказиладиган Мудофаа кенгаши мажлисида Президент нуқта қўяр. Яна ким билади, дейсиз.

Яқинда Президент яна бир бор «ўзини кўрсатиб қўйди». У Давлат думасидагилар даҳанаки жангларни, тортишувларни, «тош отишларни» бас қилмасалар, мен уларга муносиб жавоб бераман, чунки, мен жангчиман, деб дўқ-пўписа қилди. Ҳа, тўғри, конституцияга биноан Президент давлат думасини тарқатиб юборишга ҳақли!.. Думадагилар дарҳол яна айю-ҳаннос кўтариб, янги ҳужумга отландилар. Хусусан, коммунистлар ўз пленумларини ўтказиб, аҳвол яхшиланмаса, биз ҳукуматта нисбатан ишончсизлик эълон қиламиз, деб таҳдид қилдилар... Қисқаси, даҳанаки жанглар давом этмоқда, мамлакатдаги умумий аҳвол эса тобора танглашмоқда. Президентнинг куни кеча иккала палатага тақдим этган йиллик мактуби ҳам ноҳушликларга «таб боcди» бўла олмади... Андиша бўлмаган ерда адолат бўлмас, деган нақл бекорга айтилмаганга ўхшайди. Россиядаги бу вазиятдан чет эллик арбоблар ҳам чўчишга туша бошладилар.

СИРНИНГ АБАДИЙСИ БЎЛМАС ЭКАН-ДА

ҒАРБ матбуотида шундай мақолалар чоп этиладики, улар жуда катта шов-шувларга сабаб бўлади. Ана шундай мақолалардан бири шу йил январида «Вэнити фэр» ойномасида пайдо бўлди. Лекин, у ҳамон жаҳон оммавий ахборот воситаларида қайта-қайта тилга олинмоқда. Гап шундаки, Жудит Экснер деган хоним ўзининг АҚШнинг собиқ Президенти Жон Кеннедининг маъшуқаси бўлганлигини очиқ-ойдин тан олди ва ўртада бўлган «муносабатларни» ошкора маълум қилди.

Жудит Экснер ўз сирини 12 йил яшириб юрди. Мафиячилар 60-йилларда қандай қилиб Куба доҳийси Фидель Кастрони ўлдирмоқчи бўлганликларини 1975 йилда терговчи Америка сенатининг махсус қўмитаси ниҳоят Жудитни гапиришга мажбур қила олди. Мўлжалланган фитнада Ж. Кеннеди қандай ўрин эгаллаган?

Аниқланишича, Ж. Экснер Президент билан махфий «алоқа»да бўлиш билан биргаликда бир йўла Чикаго мафиячиларининг «отахонлари» Сэм Жианкана ҳамда Жон Роселлилар билан ҳам «дон олишиб» юрган. Ж. Экснер яна ўн бир йилдан сўнг бошқа бир нозик «мулоқот»ни ҳам очиб ташлади. «Пипл» ойномаси мухбири билан қилган суҳбатида Ж. Кеннеди ундан мафиячилар билан алоқа ўрнатишда фойдаланганлигини айтиб берди. Ж. Кеннедидан ҳомиладор бўлиб қолган хоним «Президентнинг обрўсини сақлаб қолиш» мақсадида болани йўқотиш чорасини излаб, С. Жианканага мурожаат этди. Чикаго мафиячиларининг «отахони» «масла-ҳатини ва кўмагини» аямайди. Жудит боладан «муваффақиятли» қутилади. Аборт қилингани ҳам тузик бўлган экан чоғи, кўп ўтмай Президент ҳам, С. Жианкана ҳам суиқасдда ўққа учадилар. Айни кунларда оммавий ахборот воситалари ходимлари қулоқларини «динг» қилиб, 63 ёшга кирган Жудитнинг оғзини пойламоқдалар. Энди у қандай «янгилик»ларни айтиб беракин? Сирнинг абадийси бўлмайди, деб шуни айтсалар керак.

НИМА?

◆ ЭРТАГА тўлиқ қуёш тутилиши рўй беради. У маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10.00 да Шимолий Мўғилистонда бошланиб, кейин Россиянинг Чита, Хабаровск вилоятларига ўтади. Ниҳоят, Ёқутистонда тугалланади. Ой Қуёшни тўлиқ бекитгач, Ерда мутлақ сукунат ҳукм суради. Бўронлар, сув тошқинлари, зилзила каби табиий офатларнинг бўлмаслиги кутилмоқда. Чунки, ҳозир қуёшнинг фаоллиги унча шиддатли эмас. Аммо, кўз илғамас кучли магнит тўлқинлари минтақалар аро алоқаларга таъсир этиши мумкин.

◆ ЭРОННИНГ шимоли-ғарбида кучли зилзила содир бўлди. 300 нафарга яқин киши ҳалок бўлди, юзлаб одамлар жароҳатланди, 83 қишлоқ вайронага айланди, 35 минг фуқаро бошпанасиз қолди. Қутқарув ишлари давом этмоқда.

ҚАЧОН?

◆ БИР ЙИЛДА Францияда истиқомат қилаётган 150 минг нафар эркак ва аёл ўз жонига қасд қилмоқда. Улардан 12 мингги «муваффақиятга» эришмоқда. Сабаби?.. Оғир ҳасталик, ишсизлик, шахсий омадсизлик, оилавий ажралишлар, ёлғизлик... Ҳар 40 дақиқада ана шундай бир фожеа юз бермоқда. Мутахассислар айни кунларда мазкур «бало»нинг олдини олиш устида бош қотирмоқдалар.

ҚАЕРДА?

◆ МЕКСИКАНИНГ Миранда шаҳрида яшовчи бир оилада икки ёшли қизча «вафот этди», деб қайд этилди. Дўхтирнинг гапидан сўнг маййит черковга олиб борилди ва жанозза ўқишга кўйилди. Бир маҳал... бола бирдан чирқираб қолди. Хушидан айрилаёзган ота-она болани кўтара захоти яқиндаги шифохонага югуришди. Бу ердаги дўхтирлар «чақалоқ соппа-соғ», дейишди. Кейинроқ маълум бўлишича, аввалги дўхтир кайф устида болани ўлдига чиқариб, ташхис қўйиб юборган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бир элнинг фарзандимиз». Премьера.
9.15 «Марсия». Бадиий фильм. 4-серия (Италия).
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Китоб ва ҳаёт».
10.30 А. С. Пушкин. «Олтин баликча». Хоразм Давлат қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.10 «Сиҳат-саломатлик».
11.40 «Ғойиб бўлди осмонда қуш». Мультфильм.
11.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.25 «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Ташаббус». Тадбиркорлар кўрик-танлови.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телефестивали.
21.40 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.
Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
23.05 «Бу оқшом...»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультитўплам.
18.35 «Спорт китъаси».
18.45 «Компьютер-Осиё».
18.55 «Услуб».
19.05 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт китъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Спорт китъаси».
23.00 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.10 Кундалик.
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Филон», «Тоғлар, тоғлар». Телефильмлар.
18.30 Эълонлар.
*
18.35 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 11-серия (Канада).
22.25 «Кругозор». Тележурнал.
*
22.45 — 23.05 Россия давлат телевидениеси.
*
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультькарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дидар».
19.40 Кечки сеанс. «Кинг-Конг». Бадиий фильм.
21.10 «Аёл».
21.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.50 «Авторейд».
22.00 «Спорт-тайм».
22.30 Эълонлар.
22.35 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.25 «Кимга қанақа?»
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўнғироқча». Тележурнал.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аждодлар изидан». Адабий кўрсатув.
10.35 Инглиз тили.
11.05 «Эртаклар яхшиликка етаклар». «Афанди ва бой».
11.40 Ўзбек куйларидан концерт.
12.10 «Табиат шайдолари».
12.30 «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Юнон-Рим кураши. Ўзбекистон чемпионати.
18.25 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Диёр». Тележурнал.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.10 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.
Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видефильм. 2-қисм.
23.10 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультитўплам.
18.35 ТВ плюс...
18.40 «Киносайёра».
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 ТВ плюс...
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Кундалик.
21.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».
22.50 «Акс».
23.10 «Авлодимиз».
23.25 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.45 «Спорт китъаси».
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Бўрсиқ учун уй», «Қанот, оёқ ва думлар». Мультфильмлар.
18.15 Эълонлар.
*
7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари, Эмили». Телесериал. 12-серия.
22.30 «Мулоқот». Телевизион бадиий фильм.
*
23.00 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.
*
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Янги иқтисод».
21.15 «Истеъдодлар ва мухлислар».
21.45 «Очиқ дарс».
22.15 Эълонлар.
22.20 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.10 «Жиллет-спорт».
23.40 «Америкага бир назар».
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.45 «Диёр». Тележурнал.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Соҳибқирон руҳини шод этиб». Премьера.
9.30 «Альманах-ТВ».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табииёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Кимё.
*
12.00 Чанг тароналари.
12.30 «Юксак технология халқ манфаати йўлида».
13.00 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.15 Юнон-Рим кураши. Ўзбекистон чемпионати. Финал.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телефестивали.
21.40 «Мавзу».
22.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
23.00 «Автоолам».
23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультитўплам.
18.35 «Спорт китъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз».
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт китъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
22.40 «Зерикмай десангиз».
22.50 Кундалик.
22.55 «Спорт китъаси».
23.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Заргар». Телефильм.
18.15 Эълонлар.
*
7.30—9.00, 18.20—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 13-серия.
22.30 «Шоҳсупа сари йўл».
*
22.55—23.10 Россия давлат телевидениеси.
*
23.10 Эълонлар.
23.15—23.20 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Сахий хонадонда».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Ҳамдўстлик».
20.20 «Шаҳрим — фахрим».
20.50 «Экстремал ўйинлар».
21.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
22.00 «Азизим».
22.30 Эълонлар.
22.35 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.25 «Нафосат гулшани».
23.55 Эълонлар.
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қишлоқ стадионларида».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Компьютер сабоқлари».
10.30 «Нодир хазина». Кинофотоархивдан кўрсатув.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Пойтахт концерт залларида.
12.00 «Барқарор тараққиёт».
12.10 Тофиқ ал- Ҳаким. «Изҳор». Теленовелла.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Омонлик тилаймиз».
18.40 Дилнавоз садолар.
18.50 «Катта танаффус».
19.15 «Акциядор луғати».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йили».
21.20 «Европага довруғ солган хонанда». Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева.
21.50 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.05 «Иймон».
22.25 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мультитўплам.
9.20 «Спорт китъаси».
9.30 «Компьютер-Осиё».
9.40 «Услуб».
9.50 «Мак ва Матли».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Акс».
10.55 «Авлодимиз».
11.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.30 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.40 «Зерикмай десангиз».
11.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.10 «Дунё бўйлаб».
13.00 — 14.30 «Кинонигоҳ».
***
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультитўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Кундалик.
21.05 «Сеҳргар». Кўрсатув ва эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».
22.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.10 «Яқинроқ тур». Рустам Уразаев.
23.40 «Спорт китъаси».
00.10 — 00.20 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Муми-Долга куз келганда». Мультфильм.
18.15 Эълонлар.
*
7.30—9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 14-серия.
22.30 «Мусиқа ҳамма учун».
*
23.00—23.15 Россия давлат телевидениеси.
*
23.15 Эълонлар.
23.20—23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Чироқ».
20.35 «02» тўлқинида».
20.50 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Компьютер-ревю».
22.00 «Ракурс».
22.40 «Коктейль плюс».
23.15 «Инсонлар эҳтиёжларига кўра». Телефильм (Япония).
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 Кекса санъаткорлар куйлайдилар.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент: кеча, бугун, эртага». Премьера.
9.35 «Умид учқунлари». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Катта танаффус».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.
11.00 Тасвирий санъат.
*
11.30 Абду Жалил. «Бугун қалбим тўла нур». Адабий композиция.
11.40 «Ўқитувчилар, Сизлар учун».
12.10 «Ижро ва маҳорат». Анъанавий катта ашула ижроси бўйича республика беллашуви.
12.40 «Дўст». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Морена Клара». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Синфдош».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Репортаж».
21.30 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
22.00 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилол» телефестивали.
22.20 «Эртага — шанба».
22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 15 ва 16-қисмлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Хуш келибсиз».
00.05 Тунги тароналар.
00.20 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мультитўплам.
9.15 «Бугуннинг боласи».
9.35 Оҳанглар.
9.45 «Шароф тожи». Киноконцерт.
10.05 «Дубляж».
10.20 «Жозиба»
10.30 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.55 Киноҳазил.
11.10 Видео — «О».
12.50 — 13.20 «Спорт китъаси».
***
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср авлодлари».
18.50 Телевидение ва театр.
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мусиқали гулдаста».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 «Қовун тушди».
23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55 — 00.05 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Амалий санъат ворислари». Телефильм.
18.15 Эълонлар.
*
7.30—9.00, 18.20—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Калеба қизлари. Эмили». Телесериал. 15-серия.
22.30 «Баҳор байрами». Телефильм.
*
22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.
*
23.10 Эълонлар.
23.15—23.20 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.25 «Рангинкамон».
19.50 «Бу бўстон аро».
20.15 «Монитор-Осиё».
20.35 Эълонлар.
20.45 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.30 «Уй остонадан бошланади».
21.55 «Нафосат ва мангулик ҳақида».
22.15 «Алло, мен сизни эшитаман...»
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ноёб асарларни овлаб». Телесериал.
24.00 Араб эстрадаси.
00.20—00.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Афсонавий шаҳарда». Премьера.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Шоҳруҳ клуби.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Ҳамроҳ».
10.50 «Баҳс».
11.15 «Қизиқиш».
11.30 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 15—16-қисмлар.
12.25 «Кичкинтой» устахонаси.
12.50 «Ижодий сарҳисоб». Ўзбекистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев ва Талъат Сайфутдинов.
13.35 «Мўъжизалар оламида».
13.55 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. Рассом Ортиқали Қозоқов.
14.15 — 15.20 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 Оҳунжон Ҳаким. «Муҳаббатни кўзлардан изланг».
18.45 «Бир қўшиқ тугагунча».
19.05 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бизнес-академия».
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар. «Сўнгги ўқ» видеофильми ҳақида.
22.20 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов.
22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 17 ва 18-қисмлар.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.35 «Куй ва тасвир».
23.50 «Тубанлик». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «XXI аср авлодлари».
9.35 Телевидение ва театр.
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 Мусиқали гулдаста.
10.40 «Қовун тушди».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40 — 13.10 «Спорт китъаси».
***
18.00 «Ёрилтош». Мультитўплам.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Кулги даргалари». Чарли Чаплин.
19.05 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт китъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 — 23.50 Видео — «О».

III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
18.20—22.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.50 Эълонлар.
22.55 «Вазият комида». Бадиий фильм. 1-серия (Италия).
23.40—23.55 «Семурғ — бахт қуши». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Спектаклдан сўнг».
9.45 Эълонлар.
9.50 «Комедиантлар».
10.10 Кинонинг олтин асри. «Янги амазонкалар». Бадиий фильм.
11.50 «Эсдалик учун дастхат».
12.20 «Шанба эртаги».
13.20 «Болалар дейишади...»
13.25 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
14.15—14.35 Корейс тилини ўрганамиз.
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «5 дақиқа ўзинг учун».
20.30 «Болалар дейишади...»
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинонинг олтин асри. «Қопқон». Бадиий фильм (Руминия).
22.10 «Рақслар қанотида».
22.40 «Жиллет-спорт».
23.10 «Хит-коллекция».
23.30 Эълонлар.
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 17 ва 18-қисмлар.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 28-кўй.
13.05 «Ўзбекистон спорти».
13.25 «Нурли келажак». Видеоканал.
14.25 — 15.50 «Нофелет қаерда?». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...».
18.20 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 1-серия (Италия).
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Тухфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дилнавоз садолар».
20.10 «Умр». Асқад Мухтор.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Минбар».
21.15 «Бу мунис лаҳзалар».
21.35 «Шахс ва баҳс».
22.00 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 29-кўй.
22.40 Футбол олами.
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Тунги сеанс. «Ёлғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм.
01.20 Тунги тароналар.
01.30 — 01.40 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 Мульти-пульти.
9.40 Болажонлар экрани.
11.15 «Таманно».
11.25 «Дилором наволар».
11.35 Унутилмас тасмалар.
13.05 «Табиат шифохонаси».
13.15 — 14.55 Видео — «О».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили...».
18.30 «Ёрилтош». Мультитўплам.
19.00 «Нодир хазина».
19.20 «Бу ажиб дунё».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дилором наволар».
20.15 «Мухлис-ТВ 2».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 «Мафтункор чеҳралар».
23.20 «Даракчи».
23.30 «Мувозанат»—келгуси ҳафта тақвими.
23.45 Дастур ниҳояси.

III

18.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.55—23.05 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.05 Эълонлар.
23.10 «Вазият комида». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50—00.15 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Жонли сайёра».
11.40 «Парле ву франсе?».
12.10 Киносалон. «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
13.25 «Сенинг вақтинг».
13.55 «Телеташриф».
14.15 Эълонлар.
14.20 «Камбағал одамлар». Қисқа метражли бадиий фильм.
15.10 «Биргаликда куйлайлик».
16.10 Кундузги сеанс. «Марко Поло». Бадиий фильм.
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультькарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Менинг кучам».
19.30 «Баҳорги вернисаж».
19.50 Эълонлар.
19.55 Киносалон. Милош Форманнинг «Какку уяси узра парвоз» фильми.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Тошкент оқшомида».
22.15 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
22.30 «Тошкент оқшомида».
22.50 «Иштирок этувчилар».
23.20 Эълонлар.
23.25 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

XII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан

КИНО САНЪАТИ ШОДИЁНАСИ

ШУ ЙИЛ май ойида Республикамиз пойтахтида анъанавий Тошкент халқаро кинофестивалининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтади. Шу муносабат билан биз XII Тошкент халқаро кинофестивали Бош директори, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг раиси Т. М. ЮНУСОВ билан учрашиб, суҳбатда бўлдик.

— Темурмалик Машрабович, кинокўрик олдига қўйилган мақсадлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Маълумки, ўттиз йиллик тарихга эга Тошкент кинофестивали Осиё ва Африка қитъалари киносанъаткорларининг анжуманидан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинокўригига айланди. Унинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Тадбирни ўтказишдан мақсадлар кўлами ҳам шунга яраша.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «XII Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида таъкидланганидек, мазкур анжуманни ўтказишдан асосий мақсад — ўзбек халқининг миллий маданиятини ва маънавий-аҳлоқий қадриятларини тарғиб қилиш, миллий онг, миллий тафаккурни шакллантириш, истиқлолга садоқат ва Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтириш ҳамда башариятнинг маънавий ҳазинасини безаган юксак инсоний фазилатларга чуқур эҳтиромни барқарорлаштиришда кино санъатининг ролини ошириш, кинематографчиларнинг тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги халқаро алоқаларини ривожлантиришдан иборат.

— Навбатдаги фестиваль аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади?

— Тўғри, анжуман ташкилотчилари Тошкент фестивали эришган нуфузни сақлаб қолиш, уни имкон қадар ижодий бойитиш, мавқеини янада оширишга интилиб ишлаяптилар. Шу билан бирга, янгиликлар ҳам оз эмас. Бу йил Тошкент фестивалини халқаро кинофестиваллар ўтказиш ассоциацияси қайта рўйхатга олди. Қолаверса, унинг асосий ташкилотчиси ўтган йил баҳорида янги тузилган «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси эканлиги, республика Бош вазирининг XII Тошкент халқаро кинофетсивали ташкилий қўмитасининг раиси этиб тайинланиши, ҳукумат раҳбариятининг бу ишга катта эътибор билан қараётганини ҳам инобатга олмоқ керак.

Навбатдаги тадбир навқирон Ўзбекистонимиз шароитида амалда мустақил ўтказилаётган илк кинокўрик сифатида тарихга киради. Бу ўринда XI кинофестиваль ҳам Москва аралашувисиз ўтганди-ку, деган савол туғилиши мумкин. Расман шундайку-я, бироқ аслида алоқа айнан Москва орқали амалга оширилган, фильмлар, турли хил юклар айнан ўша ерда қабул қилиб олиниб, ўша ердан жўнатилганди. XII кинофестивалдан бошлаб бунга барҳам берилмоқда. Энди барини Тошкентнинг ўзида, ўз кучимиз билан амалга оширамиз. Бу зиммамизга анча масъулиятли, шу билан бирга шарафли вазифалар юклайди. Уларни адо эта оламиз, деб ўйлаймиз.

— Анжуман ҳаражатлари масаласи қандай ҳал этилмоқда?

— Кинофестивални тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ҳаражатлар Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг валюта фонди ва маҳаллий бюджетидан, шунингдек, қисман чипталар ва бошқа маҳсулотлар сотилишидан тушган маблағлар эвазига қоплананади.

— Ташкилотчилар орасида «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясидан ташқари бошқа ташкилот ва идоралар ҳам борми? Улар зиммасига қандай вазифалар юклатилган?

— Албатта, бор. Жумладан, «Ўзбектуризм» миллий компанияси кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини қабул қилиш, жойлаштириш учун меҳмонхоналардан жой ажратади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси кинофестиваль қатнашчиларини буюртмага мувофиқ чипталар билан таъминлайди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги халқаро кинофестиваль иштирокчиларини тарихий обидалар билан таништиришни ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси кинокўрик расмий совринларини тайёрлаш учун қимматбаҳо металлар ажратади. «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси ва «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси эса, тасдиқланган эскизлар бўйича ушбу совринларни тайёрлайдилар.

Хуллас, мазкур анжуманни ўтказишда унинг асосий ташкилотчилари — «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ёлғизланиб қолмайдилар. Қолаверса, кўплаб ҳомийлар ҳам четда қараб туришмас, деб умид қиламиз. Бу борада аввалдан тузилган пухта режа асосида, турли компания ва фирмаларга хат орқали мурожаат қилиб, уларни ҳамкорликка чорлаяпмиз.

— Юқорида совринлар тайёрланаётгани хусусида гапирдингиз. Улар ҳақида муфассалроқ тўхтала оласизми?

— Бажонидил. Кинокўригимиз расмий совринлари — бешта: энг яхши бадиий фильм соҳибига топшириладиган «Олтин Семурғ», кинематографияда миллий анъаналар ва урф-одатларни акс эттирганлиги учун — «Хўжа Насриддин», энг яхши актёрга — «Олтин арча», энг яхши актрисага — «Олтин лола», энг яхши дебют иши учун — «Кумуш Семурғ» совринлари таъсис этилган.

— Шу аснода, кинофестиваль дастури ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

— Фестивални 22-29 май кунлари ўтказиш мўлжалланмоқда. Киноанжуман меҳмонлари ва қатнашчилари учун анча пухта ўйланган режалар дастури тузиб чиқилган. Танловдаги ва ундан ташқари фильмлар шаҳримизнинг бешта кинотеатрида намойиш этилади. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари республикамиз ҳаёти билан, мустақиллик йиллари сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳада Ўзбекистон эришган ютуқлар билан яқиндан танишадилар. Улар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрадилар, турли музейлар ва кўргазма залларида бўладилар, улар шарафига уюштирилган қабулларга ташриф буюрадилар. «Кино санъати ва миллий мустақиллик» мавзуидаги мунозарада, турли ижодий учрашувларда иштирок этадилар.

Фестиваль экранида намойиш этилган танлов фильмлари бўйича матбуот конференциялари ўтказилиб туради. Кинокўрик кунлари Нодирабегим номидаги кинотеатрда Наби Ғаниев ва Худойберган Девонов фильмларининг ретроспектив намойиши уюштирилади.

Кинокўрик дастурида Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ҳам учрашувлар ташкил қилиниши назарда тутилмоқда.

Умуман, дастуримиз тадбирларга бой. Уларнинг бари анжуман меҳмонлари ва қатнашчиларида яхши таассурот қолдиришига шубҳа йўқ.

— Суҳбатга вақт ажратганингиз учун миннатдорчилик билдирарканмиз, фестивални орзиқиб кутаётганларга тилагингизни билмоқчи эдик.

— Аслида «фестиваль» сўзининг таржимаси «байрам» маъносини беради. Бу тадбир кинонинг ҳақиқий мухлислари учун чинакам байрам бўлиб қолишига, уларга битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлашига тилакдошман.

Суҳбатдош: Убайдулла АБДУШОҲИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танлови Бўка туманида уюшқоқлик билан ўтмоқда. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ кўрик-танловнинг биринчи босқичи 24—28 февраль кунлари барча жамоа хўжаликларида, мактаблар ва клубларда ўтказилди.

Хўжақўрғон, Ғ. Азаматов номли, «Паркент» жамоа хўжаликларида кўрик-танловнинг биринчи босқичи, айниқса, катта байрамга айланиб кетди. Қўшиқ ихлосмандларидан Сарвар Қурбонов, Содиқ Неъматов, Зафар Расулов, Ориф Омонов, Сайдирим Аъзамовлар биринчи босқич ғолиби бўлдилар ва ҳудудий босқичга йўлланма олдилар.

Туман босқичи ғолибларига учта асосий мукофот ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар берилди. Бунинг учун жами 35 минг сўм пул ва қимматбаҳо совғалар ажратилган.

Рустам ХУДОЙҚУЛОВ.
СУРАТДА: саҳнага чиқиш олдидан; доирачи йигитлар гуруҳи.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

БУ АЖИБ ДУНЁ

ЁМҒИР БУЮРТМА БИЛАН

● ЯҚИНДА Италия пойтахти Римда бир халқаро лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унинг асосий мақсади Яқин Шарқ ва Ўртаер денгизининг қурғоқчил ҳудудларини намлик билан тўхтовсиз таъминлашдан иборат эди.

Олимларнинг фикрича, бу ҳудудларда жойлашган мамлакатлар яқин келажакда қурғоқчилик балоғига дуч келишлари мумкин. Бу ер юзи бўйича иқлимнинг исиши оқибатида юзага келади. 2010 йилга келиб, Ўртаер денгизида ўртача ҳарорат 1 даража ортади, ўртача йиллик ёғингарчилик меёри эса 20 фоиз камаяди. Бундай ҳолатда Қуёш тафти ҳозирги жуда кенг экин майдонларини сахрога айлантириб юбориши ва оқибатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш 50-75 фоизгача камайиб кетиши мумкин.

Бу муаммони ҳал қилиш билан Ўртаер денгизи, Яқин Шарқ ва Европанинг 25 мамлакати, шу жумладан Россия ҳам шуғулланди. Самолётлардан йодлаштирилган қумуш тузлари билан булутларни «бомбардимон» қилиш орқали ёғин миқдорини кўпайтириш туфайли бунга эришилади. Бунга ўхшаш дастлабки синовлар 1948 йилдаёқ бошланган эди. Исроил ва Жанубий Италияда бу тажриба кенг қўламларда синаб кўрилганидан кейингина олимлар бу усулнинг самарали эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Суньий ёғмир ёғингарчилик даражасини йилига 15 фоиздан 38 фоизгача кўпайишига ёрдам берди, деб ёзади Ригада чиқадиган «Бизнес Балтия» газетаси.

ХУШФЕЪЛ БЎЛИНГ

● ИНСОН иммун тизимининг ҳолати унинг тавсифи, ахлоқ-одоби, ўзини қандай тутишига ҳам боғлиқ экан. Хусусан даниялик профессор Йорн Бекман шундай хулосага келди. У изланишлари натижасида шуни аниқладики, сержаҳл, хасадгўй, шубҳаланадиган ва енгил табиатли кишилар шамоллаш ва вирусли касалликлар билан икки баравар кўп оғрир эканлар. Шундай бўлгач, вазмин, босиқ ва хушфеъл бўлган афзалдир, дейди олим.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

СИНОВ ОҒИР БЎЛАДИ

ОЛИЙ табақа жамоаларининг VI мамлакат биринчилиги байроғи кўтарилгандан сўнг, бир ҳафта ўтиб, биринчи табақа вакиллари ҳам янги мавсум учрашувларини бошлайдилар. Бу йил вилоятимиз спорт шарафини Бекободнинг «Металлург», Чирчиқнинг «Кимёгар», Кибрайнинг «Роҳат», Бўканинг «Бўкалик» ва Зангиотанинг «Лочин» жамоалари ҳимоя қиладилар.

МАВСУМ арафасида «Бўкалик» жамоаси бош мураббийси Шарофиддин Сирожиддинов билан мулоқотда бўлиб, туман футболчиларининг биринчиликка қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Вилоят чемпиони бўлгач, ўтган йили биринчи табақада илк синовдан ўтдик. Бироқ, мавсум тугагач, жамоамизнинг 15 ўйинчиси турли сабабларга кўра кетишди. Шавкат Сулаймонов «Чилонзор» жамоасига, Улуғбек Усмондиёров билан Ботир Султоновлар «Сўғдиёна» сафига, Нодир Султонов ва Алишер Ҳотамовлар Ангреннинг «Буревестник» жамоалари сафига ўтиб кетдилар. Фахриддин Мусаев бўлса, энди учрашувларга ҳакамлик қилиш ниятида.

— Ўтган мавсум дарвозабон масаласи ҳам муаммо эди. Зафар Обидовга ўринбосар йўқ эди.

— Бу йил бу муаммони ҳал этдик. Бўкалик Абдужалил Маликовга катта умид боғлаяпмиз. Биласизки, жамоани бир-иккита етакчи ўйинчи тарк этадиган бўлса, унинг ўрнини тўлдириш анча мураккаб кечади. Биз эса — бу йил жамоани деярли янгиладик. Асосан, Бўка, Оққўрғон, Ғалаба, Янгийўл туманларидан етишиб чиққан иқтидорли футболчиларни жалб этдик. Аксарияти 17-18 ёшли йигитлар бўлган Алишер Мадиримов, Мурод Алиев, Юсуф Пўлатов, Қодир Султонов, Сардор Назаров, Шуҳрат Розиқов, Ҳасан Ўтамишевларга катта умид боғлаяпмиз. Бу йилги мавсум қийин кечишини гушунib турибмиз. Бироқ, меҳнатсевар, ғайратли, ўйинга чанқоқ ёшларимиз 5-6 турдан сўнг ўзларининг ўйинларини топиб оладилар деб ўйлаймиз.

25 март куни бошланадиган мавсумнинг биринчи турида «Бўкалик» Наманганнинг «Навбаҳор-2» жамоасини қабул қилади. Бўкаликлар иккинчи тур учрашувини ҳам ўз майдонларида Фарғонанинг «Тўқимачи» жамоаси билан ўтказишгандан сўнг, сафарда «Шаҳрихон» ва «Пахтаобод» жамоалари меҳмони бўладилар.

«НАВРЎЗ» СОВРИНИ УЧУН

ВИЛОЯТИМИЗ ўйингохларида футбол бўйича «Наврўз» соврини учун анъанавий мусобақалар давом этмоқда. Унда олий табақа вакили «Дўстлик», биринчи табақа иштирокчилари Бекободнинг «Металлург», Чирчиқнинг «Кимёгар», Қибрайнинг «Роҳат», Бўканинг «Бўкалик», Зангиотанинг «Лочин» жамоалари баҳслашмоқдалар. Дастлабки уч турда бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлург» — «Роҳат» — 1:0, «Бўкалик» — «Лочин» — 3:4, «Металлург» — «Дўстлик» — 2:2, «Бўкалик» — «Кимёгар» — 1:6, «Роҳат» — «Лочин» — 1:1, «Металлург» — «Лочин» — 1:1, «Кимёгар» — «Роҳат» — 2:1, «Дўстлик» — «Бўкалик» — 6:0.

Бугун навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари ўтказилади. Бекободликлар Бўка футболчиларини, «Дўстлик» «Роҳат» жамоасини, «Кимёгар» «Лочин» футболчиларини қабул қилади. «Наврўз» соврини эгаси 11 март куни маълум бўлади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Об-ҳаво

БЕШ КУНДА БЕШ ХИЛ ЎЗГАРИШ

Беш кунлик даврда ёғингарчилик вазияти сақланиб қолади. Баъзи жойларда кечаси ва эрталаб туман тушади, ҳарорат пасайиши кутилади. Кечаси ҳарорат 2—7 даража илиқ, 2 даража совуқ орасида бўлади. Кундузи 4—9 даражадан 13 даражагача иссиқ бўлади. 12 мартга бориб ҳаво ҳарорати яна 5—6 даража кўтарилиши мумкин.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Санганак қишлоғида жойлашган 21-ўрта мактаб томонидан 1995-96 ўқув йилида Олимов Санжар Ҳикматович номига берилган UZA 077007 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР



МУҚАДДИМА

БИР КУНИ ўрмон, сув, саҳро қушлари жам бўлишиб базм қуришди. Аммо, бетартиблик юз берди. Ҳеч қайсисининг ўтирадиган тайин жойи йўқ эди. Ола қарға тўтидан юқорида, зоғ булбул ва қумридан тепада, калхат лочиндан тўрда, читтак товус билан ўтирарди. Ўртада низо чиқиб, анча можаролар бўлди. Кўпчилик бир фикрга келдики, агар одил, шуқуҳли раҳбар бўлганда, бу беъманилик содир бўлмасди. Шунда ҳудҳуд семурғ деган қушлар сардори борлигини айтди. У Қофда яшайди. Унга етишиш учун офатлар тўла водийлар, хунноблар тўла дарёлар, осмонга тиғ кўтарган тоғлар, ҳалоқ этувчи балоларга тўла ўрмонлардан ўта билиш керак. Кўп қушлар у ёққа сафар қилиб, минг йиллаб учишган, аммо, етган-етмаганликлари номаълум... Қуйидагилар эса қуш тилидан ҳикоя қилинган дейдилар...

НАЗМ:

Кишида барча ахлоқи ҳамида
Чу жамъ ўлди, қўйлар отин эҳсон.
Бири андин саходур, бир мурувват,
Булар ғар йўқтур, инсон эрмас инсон!

ҒОФИЛ

БИР ҒОФИЛ бозорга келди. У ердаги нознеъматларни кўриб ҳийла-найранг, ёлғон каромат билан пул ва луқма йиға бошлади. Соҳибдил бир киши унга қаттиқ танбеҳ берди. Халтангга қара, нима бор экан, деди. Ғофил халтани очиб кўрса, ичи тўла ахлат экан. Пир ердан бир ҳовуч тупроқ олиб ўзатди ва шуни қунингга ярат, деди. Олиб қараса, у тупроқ эмас, олтин ва дур экан.

Товус узр сўраб деди: «Мен қаср ва гулшанларга зийнат берувчи қушман. Одамлар мени томоша қилиб роҳатланадилар. Ҳар бир мавжудотнинг ўз иши бор. Мен ҳам ўз ўрнимда бўлганим тузук». Ҳудҳуд унга қараб деди: «Эй жаҳл аҳлига ўхшаш булҳавас. Сен ташқи кўринишинг билан фахр этма».

НАЗМ:

Одам ўлгон эҳбу зоҳирдин демас,
Кимки, ондин фахр этар-одам эмас.
Ноз ила ҳусн ўлди ошиқлар иши,
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши...

ДАРГОҲ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Боязид инсон, маҳлуқ зотидан асар ҳам топилмас бир жойга келиб қолди. Нега бу даргоҳ дард, шавқ аҳлидан йироқ экан? — деган хаёлга борди. Кейин англадики, бу юксаклик ва шараф даргоҳидир! Унга фақат астойдил талаб қилганларгина етишадилар. Қушлар ҳудҳуддан бу жойнинг қандай макон эканини тушунтириб беришни сўрадилар. Бир қуш, нега сен бор нарсалардан хабардорсан, биз эса бехабармиз. Ҳаммамиз бир хил болу парга эга қуш зотиданмизку, деб сўради. Ҳудҳуд, менга Сулаймоннинг кўзи тушган, сафо аҳли кимга назар қилса «ул назар туфроғин айлар тўтиё», деб жавоб берди. Қушга ҳам шундай назар тушса, унга барча қушлар бўйсунадилар. Бошқа бир қуш ўзининг ожиз, нотавон эканини айтиб, бу йўл азобига шер чидай олмадию, мен нима қила олар эдим, деди. Ишқ йўлида нотавонлик, заифлик ҳеч нарса эмас, ёрдан ўзининг ўлимини кутган ошиққина, абадий ҳаёт эгаси бўла олади, деб жавоб қилди унга ҳудҳуд.

НАЗМ:

Ғар ошиқ эрсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард истаю дафъига даво қилма ҳавас.
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас!

БАНД

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, Арастунинг бир шогирди бор эди. У ғоят ақлли ва илмли йигит эди. Йигит бир чиройли қизни севиб, унга уйланади. Шу билан илм-фанни ташлаб, фақат ўз севгилиси билан банд бўлди. Устознинг панду-насиҳатлари унга кор қилмади. Шунда Арасту у гўзал аёлга махфиёна бир дори ичирди. Аёл қаттиқ хасталанди. Эри устозига мурожаат қилиб, уни даволашни сўради. Устоз уни хизматга, Искандар ҳузурига жўнатиб, хастага бошқа дори берди ва одамларига бемор ниманики чиқариб ташласа, ҳаммасини бир идишга йиғишни буюрди. Кечқурун йигит келса, уйда шўх, дилкаш ёри эмас, хунук аёл ётарди. Эри тинмай лола рухсорим қани, деб нола қилди. Ҳаким келиб идишни келтиришни буюрди. Келтирдилар. Идиш турли чиқиндиларга тўла эди. Мана, сенинг гўзалинг, мана бу ерда, деди ҳаким йигитга. Сен шуларга ошиқ бўлган эдинг. Йигит устоз олдида хижолатда қолди. Бундай ошиқлик уятдир, деди устоз, пок ишқ билан яшаш керак!

НАЗМ:

Ишқ аҳлики, манзурдин истарлар ком,
Ул ком керакки, бир назар бўлса, тамом.
Ғар бўлса назорасида андишайи ҳом,
Кўзларга назар даги ҳаром ўлди, ҳаром!

ҒЎСТОҲ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, бир девона ҳақ йўлидаги муҳаббати билан машҳур эди. Бир куни у йўлга чиқди. Бирдан қаттиқ ёмғир қуя бошлади. Қоронғи тушди. У бир ҳаробада тунамоқчи бўлди. Эшагини ташқарига қўйиб, ўзи ичкарига кирди. Лекин, чакка томиб, уни ухлатмади. Ташқари чиқиб қараса, эшаги йўқ. У Худога ғазаб қилиб, эшакни сенга топшириб кетган эдим, уни сақлашдан ор қилибсан, деб таъна қилди. Шу вақт чақмоқ чақилди, нарирокда турган эшак кўринди. У дарҳол йўлга тушди. Йўлда Худога мурожаат қилиб, айтган гўстохона гаплари учун узр сўради. Мен бўлган гапларни унутдим, сен ҳам унутгил, деб ёлборди. Ана шундай иш тутган киши маҳбуб бўлади!

НАЗМ:

Хаёю адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош!
Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, тутқил ул сари йўл!

МУРОД: ЭЙ МАРД ОДАМ! Саъй-ғайратсизлик — умид ва муваффақиятнинг кучини битирадиган бир мараздир. Инсоният саодатидан махрум бўлиб маъюсона яшаш — саъй-ғайратсизлик асаридир!

САБОҚ: ДУНЁДАГИ барча тирик нарсалар ҳаракат қилади, интилади ва шу туфайли ҳаётга зарур бўлган нарсаларга етишади. Ҳатто, энг заиф ҳисобланган арилар, чумолилар ва қушлар ҳам интилишда бўлиб, ёздан ташқари, қиш ғамини ҳам ейдилар. Ўргимчакка назар солинг, у тирикчилик дардида доимо тўқиш билан овора, агар тўрининг бирор ери бузилса, дарҳол таъмир этиш ва тузатишга киришади. Демак, инсоннинг биринчи вазифаси — кишининг юриш-туриши ва яшаши учун зарур бўлган ҳалол ризқ топиб, ейиш-ичишга етарли нарса ҳосил қилишдир. Бунга эса тиришқоқлик ва интилиш орқали мушарраф бўлинади!

АЛҚИССА:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳарне истарсен, ўзингдан истагил!

Тайёрловчи: БАҲОДИР ВАЛИЕВ.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
Республика бирлашмаси
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА «БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!»
цирк санъатининг барча жанрлари иштирокида
«НАВРЎЗ-97»
КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ
ТОМОШАЛАР: 21, 22, 23, 29, 30 март кунлари соат 12 ва 15.00 да; 24, 25, 26, 27, 28, 31 март кунлари соат 11 ва 14.00 да БОШЛАНАДИ.
ЧИПТАЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.
Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.
Маълумот учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими, касаба уюшма қўмитаси тумандаги 106-махсус интернат раҳбари Саидаҳмад Қулаҳмедович Обидовга оталари **ҚУЛАҲМАТ ОТАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти суди жамоаси вилоят судининг судьяси **Муҳримжон Набиевич РАСУЛОВ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари, яқин қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48*
Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0146. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 17.693 нусха.

"**Шарқ**" нашриёт-матбаа концерни боемахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6